



2017 yil "09" НОЯБРЬ № 561

Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги
ПҚ-3374-сон Қарорининг ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 4 августдаги ПФ-5134-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3374-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 22-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3374-сон Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон Қарорининг ижроси тўғрисида”ги 355-сон Қарорига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Шаҳар, туман ҳокимликлари уч кун муддатда ўзлари томонидан қабул қилинган қарор, фармойишларни ушбу қарорга мувофиқлаштиришни таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими




Ш.Ғаниев

Вилоят ҳокимининг 2017 йил
09 ноябрдаги 564-сонли қарорига
1-илова

Вилоят ҳокимининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ШҚ-2691-сон
Қарорининг ижроси тўғрисида” ги 355-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ БОШҚАРУВ АППАРАТИНИНГ ТУЗИЛМАСИ




Бошқарув
ҳодимларининг
чекланган сони
53-нафар

2. 2 – иловада “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби” блоки “Вояга етмаганлар ишлари бўйича худудий идоралараро комиссия котиби” блоки билан алмаштирилсин.

3. 2а-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**ВИЛОЯТГА БЎЙСУНУВЧИ – (МАРҒИЛОН, ҚЎҚОН, ҚУВАСОЙ) ШАҲАРЛАР ҲОКИМЛИКЛАРИ
БОШҚАРУВ АППАРАТИНИНГ
Т У З И Л М А С И**




*- Қувасой шаҳар ҳокимлигига тегишли

**.- вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг тоифасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади

4. 26-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**ҚИШЛОҚ ТУМАНЛАРИ ҲОКИМЛИКЛАРИ БОШҚАРУВ АППАРАТИНИНГ
ТУЗИЛИМАСИ**



*- Данғара, Фурқат, Бешарик, Ўзбекистон, Кува, Фарғона, Олтиарик, Риштон, Сўх туманлари ҳокимликларига тегишли.

**- бошқарув ходимларининг чекланган сони қишлоқ туманларининг тоифасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.